Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: Info@xs.uz ● 2011 йил 28 сентябрь, № 187 (5354) Чоршанба

ЎЗБЕКИСТОН МУАЙТАЙЧИЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Пойтахтимиздаги “Ўзбекистон” спорт-соғломлаштириш мажмуасида ташкиллаштирилган муайтай бўйича жаҳон чемпионати якунланди.

Жаҳон чемпионати

Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ҳаваскор ва профессионал муайтай ассоциацияси, Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази, Халқаро муайтай федерацияси (IFMA), Осиё профессионал ва ҳаваскор муайтай федерацияси (FAMA) ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур нуфузли мусобақада дунёнинг етмишга яқин давлатидан келган 800 нафардан зиёд спортчи ғолиблик учун баҳс олиб борди.

Мамлакатимиз ўтган йигирма йиллик Истиқлол даврида Президент Ислом Каримов раҳнамолигида дунё ҳавас қиладиган ютуқларни қўлга киритди. Айниқса, баркамол авлодни вояга етказиш йўлида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида аҳамият қаратилиб, ноёб модель яратилганини бугун бутун дунё эътироф этмоқда. Шунга уйғун тарзда шаҳару қишлоқларимизда бири-биридан кўркам спорт мажмуалари барпо қилинди. Ушбу иншоотларнинг моддий-техник базаси жаҳон андозалари асосида мустаҳкамланди. Бундай улкан эътибор ва ғамхўрликнинг самараси ўлароқ минглаб ёш истеъдод эгалари кашф этилди. Улар айни пайтга келиб халқаро ареналарда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишмоқда.

Ана шундай нуфузли мусобақаларда мамлакатимиз довруғига довруқ қўшаётган спортчилар орасида муайтайчиларимиз эришаётган ютуқлар ҳам таҳсинга лойиқдир. Хусусан, ўтган вақт мобайнида муайтай бўйича юртимиздан 17 нафар жаҳон, 11 нафар қитъа чемпиони, шунингдек, 7 нафар Бутунжаҳон, яна шунча Осиё ўйинлари ғолиби етишиб чиққани эътироф этишга арзигулик натижадир.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Нукус шаҳрида лойиҳа қиймати 1 миллион 900 минг АҚШ долларилик “White Machine Technology” Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси иш бошлади.

Қўшма корхона ишга тушди

Маиший электротехника воситалари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган ушбу корхонада дастлаб электр чангютгичлар тайёрлаш йўлга қўйилди. У тўлиқ қувват билан ишлай бошлагач, маҳсулот тури ҳам кўпаяди.

65 та иш ўрни яратилган “White Machine Technology”да жорий йил охирига қадар 1 миллиард 400 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Шундан 30 фоизи экспорт қилиниши кўзда тутилган.

Ҳ. АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ОҲАНГАРОН туманининг Бешкул маҳалласида 50 ўринли замонавий меҳмонхона қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Қулай ва шинам

Тадбиркорлар ҳамда тижорат банклари кўмагида барпо этилган ушбу мажмуани қуриш ва жиҳозлаш учун 500 миллион сўм сарфланди. “Оҳангарон-комфорт” номини олган меҳмонхонанинг “Тошкент — Ўш” автомагистрали ёқасида жойлашгани меҳмонлар ҳамда сайёҳлар учун чинакам қулайлик яратмоқда.

Эътиборли жиҳати, жорий йил бошидан халқаро автомагистралнинг туман ҳудудидан ўтувчи қисмида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича 5 та йирик лойиҳа амалга оширилиб, 100 дан ортиқ иш ўринлари яратилди.

Ғ. ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

САРИОСИЁ туманидаги “Орионқурилишбутлаш” масъулияти чекланган жамиятида банкнинг 460 миллион сўмлик кредити эвазига кислород ишлаб чиқариш линияси ишга туширилди.

Сармоя самараси

Натижада бу ерда замонавий технологиялар ёрдамида йилига 230,4 минг куб метр кислород тайёрлаш имконияти юзага келди. Қўшимча 10 та иш ўрни яратилган мазкур корхона маҳсулотларига қурилиш ташкилотларидан катта миқдорда буюртмалар тушмоқда.

Таъкидлаш керакки, айни пайтда вилоятда 1088 та саноат корхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Н. ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СЎХ туманининг Чашма қишлоғидан қайнаб чиқувчи булоқларнинг шаффоф, танга даво суви мамлакатимизнинг барча ҳудудларига етказиладиган бўлди.

«Сўх чашмаси» маҳсулоти

Гап шундаки, тадбиркор Ҳабибулла Ёрматовнинг ташаббуси билан яқинда хорижлик сармоядорлар иштирокида “Сўх чашмаси” хусусий фирмаси қўшма корхонага айлантирилди. Натижада эндиликда бу ерда илғор технологиялар асосида ичимлик суви бежирим идишларга қадоқланиши баробарида, ишчилар сони 130 нафарга етди.

Н. СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Сана

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида Жаҳон сайёҳлик кунига бағишланган фестиваль ўтказилди.

Туризм: Ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш йўлида

“Ўзбектуризм” миллий компанияси ва мазкур университет ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда вазирлик ва идоралар, сайёҳлик соҳасида фаолият юритаётган компания ҳамда фирмалар, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари, профессор-ўқитувчилар, талабалар иштирок этди.

Дунё бўйича сайёҳликни кенг тарғиб қилиш, мазкур соҳанинг иқтисодиётда нақадар муҳим ўрин тутишини жамоатчиликка атрофлича тушунтириш, давлатлар ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш мақсадида Бутунжаҳон туризм ташкилотининг 1979 йили Испаниянинг Торремолино шаҳрида ўтказилган Бош ассамблеясида 27 сентябрь — Жаҳон сайёҳлик куни деб эълон қилинди. Ушбу сана 1980 йилдан бошлаб халқаро ҳамжамият томонидан нишонлаб келинади. Дарвоқе, ҳар йили ташкил этиладиган турли тадбир ва фестиваллар маълум бир шиор остида ўтказилади. Хусусан, 2011 йил учун “Туризм — маданиятларни бирлаштиради” шиори танланган.

(Давоми 2-бетда).

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Президентимиз Ислом Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни давлат ҳокимияти ва бошқаруви соҳасини демократлаштиришда муҳим қадам бўлди.

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

Зеро, ушбу Қонунда давлат ҳокимиятининг учта субъекти: давлат бошлиғи — Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Айни пайтда давлат бошқарувини демократлаштириш ҳамда давлат ҳокимияти органлари фаолиятини ташкил қилиш ва назорат этишда парламент ҳамда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш бўйича аниқ ҳуқуқий механизмлар белгиланган.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз сиёсий ҳаётида юз бераётган бу ўзгаришлар сиёсий партияларга ҳам катта масъулият юклайди. Шу маънода, сиёсий партиялар ўз мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаб олишлари, партия дастурлари ва сайловолди платформасининг ижросини таъминлаш йўлида Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этиши айни муддаодир.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига киритилган тузатишларга мувофиқ, Олий Мажлис палаталарининг биргаликдаги ваколатлари доирасига мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш киритилди. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, бунда асосий эътибор фақатгина ҳукумат раҳбарининг ҳисоботини эшитиш билан чегараланиб қолмаслиги лозим. Чунки бу ваколат ҳар бир сиёсий партияга ҳукумат томонидан олиб борилаётган, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган ишларга сиёсий баҳо бериш, партия дастури ва сайловолди платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиқадиган таклиф ва мулоҳазаларни билдириш имкониятини яратади. Бунда, айниқса, мамлакат иқтисодий салоҳиятини ошириш, молиявий барқарорликни таъминлаш, бандлик муаммоларини ҳал этиш, ижтимоий соҳага ажратилаётган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишига эришиш ҳамда партия электоратини қўллаб-қувватлашда йўл қўйилаётган камчиликларни кўрсатиб бериш мақсадга мувофиқдир.

(Давоми 2-бетда).

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Уни қўллаш тараққиётнинг юксак довонларини забт этишнинг муҳим шартидир.

Кеча пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича тўққизинчи миллий саммит бўлиб ўтди. АКТ ҳафталиги доирасида ташкил этилган мазкур тадбирда мамлакатимиздан ташқари, Корея Республикаси, Германия, Швейцария, Россия, Беларусь, Озарбойжон, Қозоғистон ва бошқа бир қатор давлатлардан 500 га яқин вакиллар иштирок этди.

Саммит Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари уюшмаси ҳамда “CIB GROUP” компанияси томонидан ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, йилдан-йилга ушбу анжуманга ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида фаолият юритувчи маҳаллий ва хорижлик мутахассислар, экспертларнинг қизиқиши ортиб бормоқда. Чунки унда АКТ бозорининг ҳозирги ҳолати, эришилаётган ютуқлар, жорий этилаётган янгиликлар, мавжуд муаммолар ҳамда уларнинг ечимлари атрофлича муҳокама қилинади. Қолаверса, тадбир компания ва ташкилотлар, хусусий сектор вакиллари, мутахассисларга ўзаро тажриба алмашиш, янги ишончли ҳамкорлар орттириш учун ҳам қулай имконият яратиб беради.

«InfoCom — 2011»

“АКТ Саммит — 2011” иштирокчилари Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, қабул қилинган ҳужжатлар ва уларнинг ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларни юқори баҳоладилар. Хусусан, Президентимизнинг Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзуидаги маърузасида ахборот-коммуникация соҳасининг энг муҳим тармоқларидан бири бўлган телерадио тизимини ривожлантириш, давлат ва жамият қурилиши тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш масалаларига демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шарти сифатида эътибор қаратилганини қайд этиб ўтдилар.

— Ўзбекистон ва Корея Республикасининг АКТ соҳасидаги ҳамкорлигидан икки давлат вакиллари бирдек манфаатдордир, — дейди биз билан суҳбатда Корея Республикасининг Хосео университети профессори, компьютер технологиялари муҳандиси Ванг-Рок Хан. — Чунки бу борадаги алоқалар соҳа мутахассисларининг ўзаро тажриба алмашишлари, биргаликда янги ишланмаларни ҳаётга татбиқ этишлари, қисқача айтганда, тараққиётнинг юксак марраларини забт этишлари учун хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда).

Анжуман

Мамлакатимизда инсон манфаати, унинг фаровон турмуш кечиришини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар туфайли иқтисодиётимиз ривожланиб, ички бозоримиз ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан бойиш баробарида, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар кўлами ҳам тобора кенгаймоқда.

Истеъмолчилар манфаати — ҳимояда

Бу эса, ўз навбатида, фуқароларга маҳсулот харид қилиш ёки хизматлардан фойдаланишда танлаш имконини бераётир.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси томонидан оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ташкил этилган матбуот анжуманида шулар ҳақида сўз юритилди.

Таъкидландики, юртимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида мустаҳкам қонунчилик базаси яратилган. Айни пайтда республикамиз бўйича 5100 тадан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари мавжуд бўлиб, улар томонидан аҳоли мурожаатлари ва муаммолари юзасидан самарали ишлар олиб борилаётгани шундан далолат беради. Мазкур ташкилотлар орасида Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг алоҳида ўрни бор. Жумладан, федерациянинг 14 та ҳудудий бирлашмаси, 194 та туман (шаҳар) жамияти ва 9 мингтадан зиёд таянч пунктида фаолият юритаётган мутахассислар аҳоли ўртасида ушбу йўналишдаги қонун ҳужжатларини тарғиб қилиш орқали истеъмолчилар манфаатини ҳимоялаш билан шуғулланмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, “Ўзстандарт” агентлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши сингари давлат ташкилотлари билан йўлга қўйилган ҳамкорлик, айниқса, яхши самара бермоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида федерация ва унинг ҳудудий тузилмаларига аҳоли томонидан 7293 та шикоят ва ариза келиб тушган бўлса, уларнинг 94,6 фоизи ижобий ҳал этилиб, истеъмолчилар фойдасига 1 миллиард 626 миллион 906 минг сўм ундириб берилди.

(Давоми 2-бетда).

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Эндиликда сиёсий партиялар ўртасидаги рақобатни янада кучайтиришга барча асослар етарли, десак, муболаға бўлмайди. Зеро, Конституцияга киритилган тузатишларга биноан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилади. Бу ривожланган мамлакатлар амалиётида ўзини оқлаган бўлиб, сиёсий партияларнинг сайловолди платформасида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Ҳақиқатан ҳам, ривожланган давлатлар қонунчилигига кўра, сайлов натижалари бўйича тегишли қонун чиқарувчи органда парламент кўпчилигини ташкил қилган сиёсий партия ўз номзодини ҳукумат раҳбари лавозимига тавсия этиш ваколатига эга бўлади. Ўз навбатида, ҳеч бир партия сайлов натижаларига кўра парламент кўпчилигини ташкил қила олмаган тақдирда икки ёки бир неча партиялар ўртасида ўзаро келишув орқали парламент кўпчилиги ташкил қилинади.

Дарҳақиқат, "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида ҳокимиятнинг вакиллик ва ижро этувчи органларини шакллантиришда сиёсий партияларнинг фаол иштирок этиши учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитлар юзага келади. Айни чоғда марказда ва жойларда сиёсий партиялар фракциялари ҳамда сиёсий партиялар гуруҳлари томонидан тегишлича ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолияти юзасидан назоратни таъминлайдиган самарали ҳуқуқий механизмлар янада такомиллашади. Қонун чиқарувчи ва вакиллик органларига сайловда кўпчилик ўринни қўлга киритган партия ижро этувчи ҳокимият органларини шакллантириш, уларнинг мансабдор шахслари лавозимларига номзодлар кўрсатиш имкониятига эга бўлади. Муҳими, ижро этувчи ҳокимият органларининг мансабдор шахслари ҳисоботини эшитиш орқали ҳукумат томонидан олиб бориладиган фаолиятга ҳам бевосита таъсир этиши мумкин.

Мухтасар айтганда, Конституциямизга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида парламент ҳамда сиёсий партияларнинг масъулиятини янада ошириб, қабул қилинаётган қонунларнинг пишиқ-пухта бўлиши, уларнинг ижро ҳокимияти органлари томонидан самарали бажарилишини таъминлашга хизмат қилади.

Эркин ЮСУПОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси.

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Уни қўллаш тараққиётнинг юксак довонларини забт этишнинг муҳим шартидир.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мамлакатингизнинг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида эришаётган ютуқларидан, айниқса, бу ерда юксак малакали кадрлар тайёрлаш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлардан аввалдан хабардор эдим. АКТ ҳафталиги доирасида Тошкент ахборот технологиялари университетида ўтказилган "ITPA — 2011" Ўзбекистон — Корея Республикаси халқаро конференцияси ва мазкур Саммитда қатнашиб, бу борада янада кўпроқ маълумотга эга бўлдим. Миллий дастурларни амалга ошириш, инфратузилмани ривожлантириш, мутахассислар тайёрлаш, соҳага инвестицияларни жалб этиш борасида Ўзбекистон муайян тажриба орттирган. Мамлакатда мобиль алоқанинг ривожланиши ҳам диққатга сазовор. Маълумотларга кўра, ҳозир Ўзбекистон аҳолисининг 80 фоиздан ортиғи алоқанинг айнан ушбу туридан кенг фойдаланаётган экан. Бундай кўрсаткичга дунёдаги саноқли давлатларгина эришган. Биз АКТ соҳасидаги ўзаро ҳамкорлигимиз янада мустаҳкамланишини истаймиз.

Саммит доирасида секцияларга бўлинган ҳолда олиб борилган мажлисларда АКТни жамият ҳаёти ва фаолиятининг турли жабҳаларига жорий этиш сиёсатининг долзарб масалалари, электрон бошқарув, соғлиқни сақлаш, кадрлар тайёрлаш, медиабизнес, инновация фаолиятини ривожлантириш ҳамда бошқа қатор мавзулар муҳокама қилинди. Анжуманда "Давлат солиқ хизмати органларига АКТни жорий этиш", "Ўзбекистоннинг туризм соҳасига ахборот ва дастурий таъминотни қўллаш самарадорлигининг асосий жиҳатлари", "АКТ соҳасини малакали кадрлар билан таъминлаш масаласи", "Олий таълим муассасаларида ахборот-кутубхона хизматини ташкил қилишнинг долзарб муаммолари" каби ўнлаб мавзуларда маърузалар тингланди.

Шавкат ОРТИҚОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ана шу номлар мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, сайёҳликнинг турли йўналишлари истиқболи ҳақида таклиф ва тавсиялар билдирилади.

Туризм:
Ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш йўлида

Тадбирда таъкидланганидек, Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган, ноёб тарихий обидалари, бетакрор маданияти ва анъаналари, табиати билан сайёҳларни тобора ўзига жалб этаётган Ўзбекистон ҳам истиқлол туфайли ушбу халқаро бозорнинг муҳим вакилига айланди. Юртбошимиз раҳнамолигида мазкур соҳа ривожи учун ҳам моддий, ҳам маънавий эътибор кучайтирилди. Туризм соҳасида бошқарувнинг самарали тизимини таъминлаш мақсадида 1992 йил 27 июлда "Ўзбектуризм" миллий компанияси ташкил этилди. Мамлакатимиз 1993 йилда Бутунжаҳон туризм ташкилотига аъзо бўлди. "Туризм тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Президентимизнинг "Ўзбекистонда туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида"ги Фармони ва бошқа ҳужжатлар соҳа тараққиёти учун муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

Юртимизда замонавий меҳмонхоналар, дам олиш масканлари сони тобора кўпайиб, уларда сервис хизмати яхшиланиб бормоқда. Жумладан, бугунги кунда 300 га яқин меҳмонхона ва 450 дан ортиқ сайёҳлик оператори самарали фаолият юритмоқда. Мамлакатимиздаги 5 та олий ўқув юрти ва 7 та касб-ҳунар коллежида эса соҳа учун малакали кадрлар тайёрланаяпти. Масалан, Тошкент давлат иқтисодиёт университетида халқаро туризм факультети мавжуд.

Мазкур фестивални ўтказишдан кўзланган мақсад сайёҳлик ташкилотларининг ушбу йўналишдаги таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, ўзаро тажриба алмашиш ҳамда соҳага оид илмий тадқиқотларни кенг тарғиб қилишдан иборатдир.

Ш. ЗОКИРЖОНОВ.

ЎЗБЕКИСТОН МУАЙТАЙЧИЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Албатта, бундай ютуқларни қўлга киритишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун мазкур спорт тури билан шуғулланиш учун етарли шарт-шароит ва имкониятлар яратилиши зарур. Қувонарлиси, юртимизда бу борада ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон ҳаваскор ва профессионал муайтай ассоциациясининг жойларда 11 бўлими ташкил этилган. Бугун улар ёшлар орасида ушбу спорт турини янада ривожлантириш йўлида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.



Шубҳасиз, ҳар қандай спорт турида улкан ютуқларнинг қўлга киритилишида малакали мураббийларнинг хизмати беқиёсдир. Ўзбекистон ҳаваскор ва профессионал муайтай ассоциацияси мазкур жиҳатга ҳам алоҳида аҳамият қаратиб келмоқда. Ҳозир ассоциацияда фаолият олиб бораётган 82 нафар мураббий тегишли лицензияга эга бўлса, мамлакатимиздаги 100 дан зиёд спорт залларида турли ёшдаги 20 мингдан ортиқ ҳамюртимиз муайтай билан шуғулланиб келмоқда.

Энди бевосита пойтахтимиз мезбонлик қилган жаҳон чемпионатига тўхталсак. Аввало шуни айтиб ўтиш керакки, ушбу дунё биринчилиги ўзбекистонлик спорт мухлислари ўртасида катта қизиқиш уйғотди. Деярли ҳар куни беллашувларни томоша қилиш учун "Ўзбекистон" спорт-соғломлаштириш мажмуасига минглаб ишқибозлар келиб, спортчиларимизга мухлислик қилишди.

Ва бунга жавобан нуфузли мусобақада Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган муайтайчиларимиз катта истеъдод соҳиби эканликларини амалда яна бир бор исботлашди. Хусусан, ёшлар ўртасидаги баҳсларда Фирдавс Ҳошимов, Асқаржон Яллаев, Илҳом Сотиволдиев, Жасур Мирзамуҳаммедов, Жаҳонгир Йўлдошев, Темур Ҳамроев, Алижон Исроилов, Ислом Маърупов, Муҳаммад Нусратов, Шоҳруҳ Бахтиёров, Беҳзод Эркинов, Илҳом Рустамов, Ғулом Ҳалимов чемпионатнинг олтин медалларини қўлга киритишди. Беҳзод Жиянов, Элдор Багиров, Наим Тўхтабоев, Баҳром Ваҳобов, Самандар Турсунохунов, Саидаҳмад Орипов иккинчи ўрин эгасига айланди, Равшан Қаҳҳоров, Бобур Жўраев, Санжар Юсупов, Фирдавс Маннонов, Икром Абдухалилов, Султон Шаркаев ва Дилшод Хусниддинов эса бронза медалларига эгалик қилдилар.

Табиийки, жаҳон чемпионатининг энг кескин ва муросасиз беллашувлари катталар ўртасидаги "А" гуруҳида ташкил этилган баҳсларда кузатилди. Дунёнинг энг номдор муайтайчилари иштирокида ўтган мазкур гуруҳ беллашувларида ҳамюртимиз Фирдавсий Холмуродов олтин медални қўлга киритиб, жаҳон чемпиони бўлди.

Терма жамоамиз аъзоларидан Жобир Тошпўлатов ва Анвар Холхўжаев кумуш медални қўлга киритган бўлса, Мавлонбек Қаҳҳоров ва Абдулла Худойбердиев кучли учликдан жой олди.

— Мамлакатимизда ўтган мана шундай нуфузли мусобақада ғолиб бўлганимдан хурсандман, — дейди муайтай бўйича жаҳон чемпионати ғолиби Фирдавсий Холмуродов. — Ҳар бир жангга чиқишдан олдин миллионлаб юртдошларимиз қувватлаб турганини ҳис қилдим. Шу боис бор имкониятимни ишга солиб, байроғимизни баланд кўтаришга интилдим.

Мазкур гуруҳдаги таиландлик муайтай усталари Сонсири Радсаронг, Саттра Палинарам, Витичай Мижан, Жирисак Инудом, украиналик Александр Прокуда, беларуслик Виталий Харков ва россиялик Артём Вархитов жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлдилар.

— Мусобақага пухта ҳозирлик кўрганимиз амалда ўз исботини топди, — дейди Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Раҳматжон Рўзиохунов. — Бунинг учун бизга зарур барча шарт-шароитни яратиб берган Ўзбекистон ҳаваскор ва профессионал муайтай ассоциациясига миннатдорчилик билдирамиз. Қолаверса, спортчиларимизни қўллаб-қувватлаш учун "Ўзбекистон" спорт-соғломлаштириш мажмуасига келган мухлисларга ҳам алоҳида раҳмат айтмоқчиман. Уларнинг далдаси йигитларимизга қўшимча куч бағишлади.

Фазлиддин АБИЛОВ,
Ҳасан ПАЙДОЕВ (суратлар),
«Халқ сўзи» мухбирлари.

Маънан ва жисмонан етук, онгу тафаккури тиниқ, дунёқараши кенг инсон доимо эзгуликка интилиб яшайди. Унинг турмуш тарзи, фикри ва қарашлари, энг муҳими, ҳаётдаги мақсад-муддаосига ҳеч бир таҳдид, ёт ғоя ёхуд иллат, заррача бўлсин, дахл қила олмаслиги аниқ. Айнан шу боис юртимизда ёшлар таълим-тарбияси, жисмоний ва маънавий камолоти йўлида қатор мақсадли дастурлар ишлаб чиқилиб, изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилмоқда.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ – ЁШЛАР НИГОҲИДА

Куни кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида ҳам шу хусусда сўз борди. Баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги устувор вазифалар ижросига бағишланган мазкур тадбир "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилди. Унда Ҳаракат масъуллари, ҳорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Тадбир

Анжуманда таъкидланганидек, бугунги кунда Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан спорт ва соғлом турмуш тарзи тарғиботига йўналтирилган қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ҳар йили анъанавий равишда ташкил этиб келинаётган маданий-маърифий тадбирлар, фестиваль, форум, акция, кўрик-танлов, беллашув, тренинг шаклидаги янгидан-янги лойиҳалар буюк келажак сари интилаётган ўғил-қизларни эзгу ғоялар атрофида бирлаштириш, уларнинг иқтидорини муносиб рағбатлантириш ва жамиятдаги фаоллигини оширишда муҳим аҳамият касб этаётир. Хусусан, "Биз ёшлар — соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз", "Репродуктив саломатлик нима?", "Оғуғсиз ҳаёт", "Гиёҳвандлик — умр заволи", "Камолот ғунчалари", "Энг намунали ёш оила" сингари қизиқарли тадбирлар минглаб ёшларнинг бу борадаги тушунча ва дунёқарашини бойитишга хизмат қилаяпти.

— Фарзандлар тарбиясига эътибор — бугуннинг долзарб вазифаси бўлиб-гина қолмай, у келажагимизга дахлдор ҳамдир, — дейди Республика "Камалак" болалар ташкилоти раиси Одина Жамолдинова. — Шу боис фарзандларимизни нафақат мактаб, балки боғча ёшиданоқ соғлом турмуш тарзига одатлантириш, айниқса, жажжи қизалоқларни бадиий гимнастика, синхрон сузиш, югуриш сингари спорт турларига қизиқтириш мақсадида тегишли вазирликлар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдамиз. Ушбу чора-тадбирлар "Камолот"нинг "Камалакка интилиб" номли лойиҳаси доирасида амалга оширилаяпти. Келгусида ҳам мактаб ва мактабгача таълим муассасалари билан олиб борилаётган ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор лойиҳаларни амалга ошириш ниятидамиз.

Матбуот анжуманида ёшлар ҳаётига дахлдор ижобий кўрсаткичлар, галдаги муҳим масалалар ҳамда режалар хусусида журналистларга батафсил маълумот берилди.

Муборак ОХУНОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

СОВРИНДОРЛАРГА БАНК СОВҒАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури асосида мамлакат миқёсида энг яхши бизнес ғоялар танловини ўтказди. Танлов ғолиблари сафида вобкентлик хусусий тадбиркор Азизбек Қурбонов ҳам бор. Жорий йилда Вобкент иқтисодиёт касб-ҳунар коллежини тугатган Азизбек "Энг яхши тадбиркор бизнес ғояси" номинациясида биринчи ўринга муносиб кўрилди.

Танлов

— Коллеж битирувчиси сифатида устозларим кўмагида дурадгорлик фаолияти билан шуғулланишга оид бизнес лойиҳамни ишлаб чиққандим, — дейди у. — Бу лойиҳа Миллий банк Бухоро бўлими томонидан қўллаб-қувватланди. Банкнинг 8 миллион сўм миқдоридаги имтиёзли кредитига эга бўлдим. Дурадгорлик дастгоҳи ва бошқа жиҳозлар харид қилиб, ишга киришдим. Танловга келсак, очиғи, унда ғолиб чиқаман, деб ўйламагандим. Биз, ёш тадбиркорларга банк томонидан кўрсатилаётган эътибордан хурсандмиз.

Азизбек танлов ғолиби сифатида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки томонидан ноутбук билан, тадбирнинг яна бир иштирокчиси — Бухоро шаҳридаги "Progress vega plyus" масъулияти чекланган жамияти эса "Хорижий валютадаги энг яхши инвестициявий лойиҳа" номинациясида 2-ўринни эгаллаб, замонавий компьютер билан тақдирланди.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Истеъмолчилар манфаати – ҳимояда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Федерация томонидан, шунингдек, ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти билан биргаликда ички бозорда йодланган ош тузи мониторинги юритилиб, аҳолининг ҳуқуқий билим ва маданиятини ошириш мақсадида турли йўналишлар бўйича услубий қўлланма ҳамда плакатлар чоп этилаётгани эътиборга моликдир.

Бундан ташқари, федерация ташаббуси билан академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқув дастурларига истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ўрганиш бўйича махсус курслар киритилгани ҳам ёшларнинг бу борадаги билимларини оширишга хизмат қилаётир.

Анжуманда мутахассислар шулар хусусида батафсил маълумот бериб, журналистларни соҳадаги янгиликлар билан яқиндан таништирдилар.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2011 йил 27 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:)*

1 Австралия доллари	1699,79	1 Украина гривнаси	219,05
1 Англия фунт стерлинги	2699,54	1 Малайзия ринггити	548,04
		1 Польша злотийси	535,16
1 Дания кронаси	314,74	1 СДР	2723,28
1 БАА дирҳами	475,59	1 Туркия лираси	952,81
1 АҚШ доллари	1746,60	1 Швейцария франки	1918,08
1 Миср фунти	292,68	1 евро	2379,84
1 Исландия кронаси	14,82		
1 Канада доллари	1688,19	10 Жанубий Корея вони	14,75
1 Хитой юани	273,52		
1 Россия рубли	54,40	10 Япония иенаси	228,70

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

Ҳамкорликка таклиф қиламиз!

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар,

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда БМТ Тараққиёт дастури

«Аҳолини иш билан таъминлашда ижтимоий кўмак» қўшма лойиҳасини амалга ошираётганлигини эълон қилади ва манфаатдор томонларни ҳамкорликка таклиф этади.

Лойиҳа 2011 — 2014 йилларга мўлжалланган бўлиб, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида амалга оширилаяпти.

Лойиҳанинг мақсади: аҳолини, шу жумладан, ногиронлар ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли гуруҳларини иш билан таъминлаш ва уларни ижтимоий муҳофаза қилишда ҳамкорликни кучайтириш.

Лойиҳа қуйидаги вазифаларни бажаради:

- ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, маълумотлар тўплаш ва таҳлил қилиш, мониторинг ва баҳолаш орқали бандлик сиёсатини яхшилаш;
- аёлларга меҳнат имкониятларини амалга ошириш йўлида кўмак бериш ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳисобга олган ҳолда, бандлик сиёсатида гендер масалаларига аҳамият бериш;
- ижтимоий ҳамкорлик ва бандлик масалаларида хабардорликни ошириш;
- нодавлат ҳамда давлат ташкилотларининг профессионал таълим бериш, иш билан таъминлаш, бошқа ижтимоий хизматлар кўрсатиш борасида салоҳиятини ошириш;
- ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини янги иш жойлари билан таъминлашга йўналтирилган ижтимоий ташкилотларнинг фаолиятини кенгайтириш.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож аёллар ва ногиронларни қўллаб-қувватлаш соҳасида фаолият юритувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа муассасалари, шунингдек, ижтимоий корхоналарни лойиҳа доирасида ҳамкорлик қилишга таклиф этамиз.

Лойиҳа билан ҳамкорлик ўрнатиш истагида бўлган корхона ва ташкилотлар вакиллари билан учрашув 2011 йил 29 сентябрь куни Тошкент шаҳрида ташкиллаштирилади.

Қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:
Республика аҳоли бандлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш илмий маркази,
100109, Тошкент ш., Қамарнисо к., 37-уй.
Телефонлар: (+998 71) 214-87-45, 214-87-29.
Электрон почта: http://www.undp.uz/ru/governance/

ЎзРТХБ котировкалари сўм/кг | УН олий нав 714,3 ▼ - 6,0 | УН биринчи нав 524,1 ▼ - 2,3 | УН иккинчи нав 471,6 ▲ + 1,1 | ПАХТА ЁҒИ 1984,5 ▲ + 70,1 | СУЛЬФАТ АММОНИЙ 213,1 ▼ - 0,6

«KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖНИНГ ҲУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

«Ko`chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг танлов савдолари

I. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Бухоро вилояти, Коровулбозор тумани ҳокимининг 2011 йил 9 сентябрдаги 437, 438, 439, 440, 441, 442-сонли қарорларига асосан, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:

1. Сартарошхона қуриш учун Бухоро вилояти, Коровулбозор тумани, «Чўлқувар» МФЙ, Геологлар кўчаси, 1-эона ҳудудида жойлашган 1 дона, 100,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 47 000 сўм.

2. Дорихона қуриш учун Бухоро вилояти, Коровулбозор тумани, «Чўлқувар» МФЙ, Геологлар кўчаси, 1-эона ҳудудида жойлашган 1 дона, 100,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 47 000 сўм.

3. Савдо дўкони қуриш учун Бухоро вилояти, Коровулбозор тумани, «Чўлқувар» МФЙ, Геологлар кўчаси, 1-эона ҳудудида жойлашган 4 дона, ҳар бири 100,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 47 000 сўм.

4. Хўжалик моллари дўкони қуриш учун Бухоро вилояти, Коровулбозор тумани, «Чўлқувар» МФЙ, Геологлар кўчаси, 1-эона ҳудудида жойлашган 1 дона, 100,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 47 000 сўм.

5. Пайнет хизмати биноси қуриш учун Бухоро вилояти, Коровулбозор тумани, «Чўлқувар» МФЙ, Геологлар кўчаси, 1-эона ҳудудида жойлашган 1 дона, 100,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 47 000 сўм.

6. Маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун Бухоро вилояти, Коровулбозор тумани, «Чўлқувар» МФЙ, Геологлар кўчаси, 1-эона ҳудудида жойлашган 1 дона, 100,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 47 000 сўм.

7. Новвойхона қуриш учун Бухоро вилояти, Коровулбозор тумани, «Чўлқувар» МФЙ, Геологлар кўчаси, 1-эона ҳудудида жойлашган 1 дона, 100,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 47 000 сўм.

8. Савдо дўкони қуриш учун Бухоро вилояти, Коровулбозор тумани, «Ал-Бухорий» МФЙ, Мустақиллик кўчаси, 1-эона ҳудудида жойлашган 6 дона, ҳар бири 80,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 37 600 сўм.

9. Пайнет хизмати биноси қуриш учун Бухоро вилояти, Коровулбозор тумани, «Ал-Бухорий» МФЙ, Мустақиллик кўчаси, 1-эона ҳудудида жойлашган 1 дона, 80,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 37 600 сўм.

10. Хўжалик моллари дўкони қуриш учун Бухоро вилояти, Коровулбозор тумани, «Ал-Бухорий» МФЙ, Мустақиллик кўчаси, 1-эона ҳудудида жойлашган 1 дона, 80,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 37 600 сўм.

11. Тикув цехи қуриш учун Бухоро вилояти, Коровулбозор тумани, «Ал-Бухорий» МФЙ, Мустақиллик кўчаси, 1-эона ҳудудида жойлашган 1 дона, 80,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 37 600 сўм.

12. Спиртли ичимликлар дўкони қуриш учун Бухоро вилояти, Коровулбозор тумани, «Ал-Бухорий» МФЙ, Мустақиллик кўчаси, 1-эона ҳудудида жойлашган 1 дона, 80,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 37 600 сўм.

13. Ғўзаллик салони қуриш учун Бухоро вилояти, Коровулбозор тумани, «Ал-Бухорий» МФЙ, Мустақиллик кўчаси, 1-эона ҳудудида жойлашган 1 дона, 100,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 47 000 сўм.

14. Хўжалик моллари дўкони қуриш учун Бухоро вилояти, Коровулбозор тумани, «Ал-Бухорий» МФЙ, Мустақиллик кўчаси, 1-эона ҳудудида жойлашган 1 дона, 100,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 47 000 сўм.

15. Минимаркет қуриш учун Бухоро вилояти, Коровулбозор тумани, «Ал-Бухорий» МФЙ, Мустақиллик кўчаси, 1-эона ҳудудида жойлашган 1 дона, 60,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 82 200 сўм.

16. Новвойхона қуриш учун Бухоро вилояти, Коровулбозор тумани, «Ал-Бухорий» МФЙ, Мустақиллик кўчаси, 1-эона ҳудудида жойлашган 1 дона, 60,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 28 200 сўм.

17. Савдо дўкони қуриш учун Бухоро вилояти, Коровулбозор тумани, «Бўзачи» ҚФЙ, 1-эона ҳудудида жойлашган 1 дона, 60,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 28 200 сўм.

18. Сартарошхона қуриш учун Бухоро вилояти, Коровулбозор тумани, «Бўзачи» ҚФЙ, 1-эона ҳудудида жойлашган 1 дона, 60,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 28 200 сўм.

19. Хўжалик моллари дўкони қуриш учун Бухоро вилояти, Коровулбозор тумани, «Бўзачи» ҚФЙ, 1-эона ҳудудида жойлашган 1 дона, 60,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 28 200 сўм.

20. Минимаркет қуриш учун Бухоро вилояти, Коровулбозор тумани, «Бўзачи» ҚФЙ, 1-эона ҳудудида жойлашган 1 дона, 60,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 28 200 сўм.

21. Савдо дўкони қуриш учун Бухоро вилояти, Коровулбозор тумани, «Навбаҳор» ҚФЙ, 1-эона ҳудудида жойлашган 2 дона, ҳар бири 60,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 28 200 сўм.

